



halol.uz

Маргарин истеъмол қилишга рухсат бериладими?

Маргарин истеъмол қилишга рухсат бериладими? Баъзилар унинг таркибида хайвон ёглари бор, деб ҳисоблайди. Илтимос шу масала бўйича тушунтириш беринг!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳиим

Халол маҳсулотлар ейиш ва ҳаромлардан сақланишга интилишингизни чин дилдан қадрлаймиз.

Маргарин борасида қуйидаги маълумотларни айтиб ўтмоқчимиз. Маргарин ишлаб чиқаришда оқланган ва бадбўй хидлари йўқотилган ўсимлик мойлари – кунгабокар мойи, пальма мойи ва бошқалар ишлатилади. Бирок ҳозирги пайтда маргарин таркибига сунъий қўшичалар ҳам қўшилиб, улардан бири нафакат ўсимликлардан, балки хайвонлар ёғидан ҳам олинади. Бу озик-овқат қўшимчасининг коди - E471. Агар у ўсимлик мойидан

олинса халол, хайвонлар ёгидан олинса – харом ҳисобланади.

Шу сабабли барча маргарин турларини халол тоифага киритиб ҳам, харом деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди. Харидорлар (истеъмолчилар) муайян маҳсулот таркибига асосланиб, мустақил қарор қабул қилиши, хусусан, бу қўшимчанинг келиб чиқиши: халол ёки харом таркибий қисмлардан иборат эканига эътибор қаратиши керак, бу қоидага қўра, инсофли ишлаб чиқарувчилар томонидан қўрсатилади. Бугунги кунда қўплаб компаниялар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шугулланаётган махсус «халол» белгиси қўйилган маҳсулотларни харид қилиш тавсия этилади. Бирок агар бундай имконият бўлмаса, шунингдек, маргарин таркибида юқорида қўрсатилган харом қўшимчалар йўқ бўлса, уни рухсат этилган деб ҳисоблаш мумкин.

Абу Муслим таржимаси